O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 29-mart • Payshanba • 39 (27.684) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«2007 йилнинг 1 сентябридан... «Мурувват» болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлари ва санитар-энагалари иш ҳақи, айни вақтда бир тарбиячи учун иш меъёрини 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болага камайтирган ҳолда, ставкаларни тариф сеткаси бўйича бир разрядга кўтариш ҳисобидан... 25 фоизгача оширилсин».

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди.

Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш вазифаларини изчил ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар ва масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Кеча, 2007 йил 28 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг тўққизинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

Қўмиталарнинг раислари ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар ва бошқа масалалар юзасидан хулосалар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроринг прокуратура органларининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларига оид масалалар шулар жумласидандир.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

•••

Шу куни Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, шунингдек, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари ўз мажлисларини ўтказди. Мажлисларда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига лойиҳалари киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонунни, шунингдек, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва ҳокимият тузилмаларидаги фаолиятини кучайтиради, бундан буёнги демократик ўзгаришларга кенг йўл очади, ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги мувозанатни янада мустаҳкамлайди, юртимизда барқарорлик сақланишига, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш жараёни янада теранлик касб этишига кўмаклашади.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида ана шу ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари бошқа қонунлар, хусусан, тузнинг йодланиши тизимини такомиллаштириш ҳамда йод етишмаслиги касалликларининг рўёжали асосдаги профилактикаси юзасидан тезлик билан чоралар кўрилишини таъминлашга, мамлакат аҳолисининг соғлиғини тубдан яхшилашга, йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқарувини йўлга қўйишга қаратилган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, низоларнинг олдини олиш, оиланинг жамиятдаги нуфузи, ўрни ва аҳамиятини ошириш ҳамда бошқа мақсадларда мужассам топадиган хайрли фаолият – ҳомийликка бағишланган «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар ҳам кўриб чиқилди. Ҳомийлик тўғрисидаги қонунда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийликни ихтиёрий равишда ҳамда монеликсиз амалга оширишга бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланиб, пул маблағлари ва бошқа моддий маблағлар бериш, шунингдек, бошқа шаклда ёрдам кўрсатиш ҳомийлик ҳисобланмайдиган ҳоллар белгилаб қўйилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзолари ҳам тўққизинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилаётган масалаларни муҳокама қилдилар.

Парламент юқори палатаси аъзолари мажлисларда бўлажак ялпи мажлиснинг дастлабки кун тартибидаги масалалар билан бир қаторда Сенатнинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳам кўриб чиқдилар, ваколатлари доирасига кирадиган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ТЎЙГА МУНОСИБ ТЎЁНА

Ўзининг қутлуғ тўйига ҳозирлик кўраётган қадим ва навқирон Марғилон шаҳрида кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари давом этмоқда. Бунда Олтиариқ туманидаги «1-кўчма механизациялашган карвон» масъулияти чекланган жамият қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Марғилон — Олтиариқ катта автомобиль йўли ёқасида қад кўтарган тиббиёт коллежи бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ёрқин мисол бўла олади. Юбилей арафасида ишга туширилган, 360 нафар ўқувчига мўлжалланган мазкур илм масканида замонавий тиббиёт сирасрорларини ўрганиш учун барча шароит яратилган. Ҳозир бу ерда ёшлар 4 та йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Ўқув масканининг вилоятдаги бошқа коллежлардан фарқи шундаки, у нафақат меъморий кўриниши, балки таркибида ўқув-лаборатория поликлиникаси мавжудлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу эса назарий билимларни шу ернинг ўзида амалиётда қўллаш, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш имконини беради. Шунингдек, мажлислар зали, ёпиқ ва очиқ спорт иншоотлари, ошхона ўқувчилар хизматида.

Айни пайтда мазкур жамият қурувчилари томонидан коллеж талабалари учун 158 ўринли ётоқхона бунёд этилмоқда. Янги қурилаётган маҳалла гузари ҳамда меҳмонхона ҳам шаҳар ҳуснига ҳусн қўшади.

— Марғилоннинг қутлуғ тўйига муносиб ҳисса қўшаётганимиздан беҳад хурсандмиз, — дейди жамият раҳбари Раҳматжон Эркабоев. — Биз барпо этилаётган объектлар ҳар томонлама мукаммал ва кўркам бўлиши учун ҳаракат қилаётирмиз.

Суратларда: *янги бунёд этилган Марғилон тиббиёт коллежи кўриниши; «1-кўчма механизациялашган карвон» МЧЖ мутахассислари Т.Ҳомидов ва О.Эргашева иш устида; талабалар ётоқхонаси биносининг кўриниши; шаҳардаги Миллий банкнинг Фарғона филиали биноси ҳам мазкур жамият қурувчилари томонидан бунёд этилган.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

❖ **ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати**

ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг мададталаб қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронларга эътиборни янада кучайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон ХДП ўзининг янги Дастурида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принциплари партиянинг янгиланган мафкураси асосини ташкил этади. Мазкур йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши эса партия ташкилотлари учун бу борада янги имкониятлар очиш билан бирга улар зиммасига алоҳида масъулият ҳам юклади.

Халқ демократик партиясининг барча кенгашлари, тузилмалари ва депутатлик гуруҳларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажаришдаги иштироки ҳамда Ўзбекистон Президенти томонидан республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги мажлисида қўйилган устувор ижтимоий масалаларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалари кенг муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгилаб олинган. Аммо ишнинг самарадорлигига эришиш учун партия фаоллари, депутатлар, экспертлар гуруҳи, бошланғич ташкилотларни мазкур вазифаларни бажаришга йўналтириш, уларга бу борада услубий, меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан кўмаклашиш, тегишли тавсиялар бериш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги сиёсий семинарнинг бу галги машғулоти «Ўзбекистон ХДП мафкураси ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принципларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» вазифалари билан ҳамоҳанглиги» мавзуига бағишланди. Унда ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар, пойтахтимиздаги туман партия кенгашлари раислари, фаоллар, экспертлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинарни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева кириш сўзи билан очиб, мавзунинг долзарблигига эътибор қаратди.

2-бет

БАҲОР ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ ХОРИЖИЙ МЕҲМОНЛАР НИГОҲИДА

Наврўз байрамига бағишлаб Алишер Навоий номидаги миллий боғда ўтказилган шодиёналарнинг барча иштирокчилари, айниқса, самимий хурсандчилигимизни биз билан бирга баҳам кўриш учун бу ерга таклиф этилган хорижий меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди.

Бу борадаги дил изҳорлари билан ўртоқлашар экан, меҳмонлар айнан мана шундай шукуҳли тантаналар миллий маданиятимизнинг бойлиги ва гўзаллигини намойиш этибгина қолмай, балки халқимизнинг ўз урф-одатлари, анъана-ю қадриятларини асраб-авайлаб келаётганидан далолат беришини, шунингдек, халқни жипслаштириб, унга ўз олдига қўйган мақсадларга эришишда янги куч-қувват ва илҳом бахшида этишини бир овоздан таъкидладилар.

Жумладан, **Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчиси Фарит Мухаметшин** байрам таассуротлари ҳақида гапириб, қуйидагиларни қайд этди:

— Бугун биз қўшалоқ байрамни тантана қилмоқдамиз, десак ҳам бўлади. Негаки, баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўз катта шодиёна билан кутиб олинаётган худди мана шу кунда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганлигига 15 йил тўлди. Бунинг энг қувонарли жиҳати эса ҳамкорлигимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганидадир.

Ўйлашимча, 2005 йилнинг ноябрь ойида президентларимиз томонидан имзоланган «Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома» бугунги алоқаларимизни тартибга солиб турувчи 200 га яқин ҳужжат орасидан энг муҳимидир. У бизга барча йўналишларда ҳамкорлик қилиш имконини беради. Айнан мана шу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги кўплаб йўналишлардаги муносабатларни, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини гўзаллик ва нафосат байрами — Наврўзи олам билан чин қалбимдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

«Наврўз Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг барча халқлари ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади, — деди **Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Юй Хунцзюнь.** — Наврўз баҳорий янгиланиш ва янги йилнинг бошланиши демакдир. «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилинган жорий йил Ўзбекистонда халқ фаровонлигини янада юксалтириш ва давлат қурилиши ишида янгидан-янги ютуқлар қўлга киритиладиган давр бўлиши шубҳасиз.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг мамлакат халқига қилган мурожаатида давлат раҳбарининг ўз Ватанига ва унинг қадимий тарихига чуқур муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром, ватандошларининг ютуқларидан фахрланиш ҳислари мужассам бўлганини таъкидлашни истар эдим.

Германия элчиси Маттиас Майер Наврўз байрамига бағишланган тантаналарда илк бор иштирок этди.

— Жўшқин куй-қўшиқлар, рақслардан, айниқса, мазза қилдим, — деди германиялиқ дипломат. — Наврўз одамларнинг яхши ният ва орзу истаклари рўёбга чиқишига умид бағишловчи ҳақиқий баҳор байрами экан. Германияда бундай байрам йўқ. Бу каби шодиёналарни Германияда ҳам одат қилиш ва баҳорнинг келишини худди Ўзбекистондагидек гўзал бир тарзда нишонлаш тўғрисида ўйлаб кўриш керак экан.

Миср элчиси Нодия Каффофий хоним ҳам байрамда илк бор қатнашиши.

— Қалбимни шу онда ажиб бир туйғу чулғаб олди, — деди у. — Бугунги ажойиб ва рангбаранг шодиёналар ўзбек халқи нақадар бой маданий меросга эга эканини кўриш ва ундан лаззатланиш имконини берди. Келгуси авлодлар учун қадимий анъаналар, маданий ва тарихий қадриятларни асраб-авайлаш жуда муҳимдир. Ўзбекистоннинг ёш авлоди ўзбек халқининг миллий анъаналарини муносиб тарзда давом эттира олишига бугун яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

«Жаҳон» АА

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ШҲТ БОШ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Бош котиби Б.Нургалиев 27-28 март кунлари Тошкентда бўлди.

Ташриф доирасида Б.Нургалиев М.Субановнинг ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитаси директори лавозимида фаолият бошлашига бағишланган маросимда иштирок этди.

Б.Нургалиев Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди, жумладан, пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи билан танишди.

(ЎзА)

ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг тўққизинчи мажлиси тўғрисида ахборот

Тошкентда 28 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Кенгашининг навбатдаги тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори М.Субановнинг Кенгашнинг саккизинчи мажлиси (Пекин шаҳри, 2006 йил 29 сентябрь) қарорларининг ижроси ҳақидаги ахбороти тингланди, ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига МАТТнинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботининг лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолиятига ижобий баҳо берилди ҳамда 2007 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фикр-мулоҳаза ва тавсиялар билдирилди.

Кенгаш ташкилий-кадрлар, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминоти ва ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини шакллантиришни давом эттиришга доир масалалар юзасидан қатор муҳим қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2007 йилнинг сентябрида Россия Федерациясида ўтказишга келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси амалий ва самарали руҳда ўтди.

(ЎзА)

❖ ЎзХДП ҳаёти

ҚАНОТЛАР БАҚУВВАТ БЎЛСА

ПАРВОЗ ҲАМ ШУНГА ЯРАША БЎЛАДИ, ДЕГАН ФИКР БИЛДИРДИЛАР УЧРАШУВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

ЎзХДП Марказий Кенгаши барча вилоятлар, шаҳар ва туман кенгашлари қошидаги «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотларини партиямизнинг ҳақиқий қанотларига қиёслаш мумкин. Партия Жиззах вилояти кенгаши «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари вакиллари билан Арнасой туманида ўтказилган учрашувда бу фикр алоҳида таъкидланди.

— Хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий савиясини ошириш, манфаатларини ҳимоялаш, уларда онгли фуқаролик фаоллигини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўйган «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотларининг мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Парда Юлдашев. — Партиямизнинг Дастурий ғоялари, устувор мақсадларини амалга оширишда ҳар иккала қанот фаолларининг ҳам ҳиссаси, хизматлари бор.

Мўътабар КАРИМОВА, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раҳбари:

— Вилоятимиздаги 13 минг нафардан зиёд партиямиз аъзоларининг 4 мингдан кўпроғини, ХДП дан сайланган вилоят Кенгаши депутатларининг 2 нафарини, шаҳар ва туман Кенгашларидаги 87 нафар депутатнинг 19 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Пахтакор туманидан маҳалла фуқаролар йиғини маънавий, диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Раҳима Абдураҳимова ва Ғаллаорол туманилик тадбиркор Дилором Болтаева, Жиззах шаҳридан шифокор Фикриё Шахзодаева, Дўстлик туманидан фермер Юлдуз Холматова сингари ўнлаб фаол аёлларимиз ўзларининг ибратли ишлари билан жамиятда, сиёсий жараёнларда катта куч эканлигини намойиш этишмоқда. Ана шундай фаолларимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида хотин-қизларнинг ижтимоий-фойдали меҳнат билан бандлигини таъминлаш яхшиланмоқда, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ошмоқда. Аммо, бу борадаги ишларимизни талаб даражасида дейиш қийин. Фориш, Янгиобод, Бахмал, Зомин, Зафаробод туманлари партия кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қанотларининг фаолиятларида ҳали-ҳануз ташаббускорлик, талабчанлик, ташкилотчилик етишмаётгани кўриниб турибди.

Марҳабо ДУШАЕВА, ЎзХДП Дўстлик туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раҳбари:

— Туманимизда ХДП аъзоларининг 330 нафари хотин-қизлардир. «Фаол аёллар» қаноти кейинги икки ой мобайнида 15 нафар хотин-қизнинг ишли бўлишига, 5 та кам таъминланган оила ва 7 нафар ногиронга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, юзлаб хотин-қизларни спортга, касб-ҳунар курсларига жалб этиш ишларига ҳисса қўшди.

«Хотин-қизлар ва ёшлар — жамиятнинг фаол аъзолари» мавзуида ўтган мазкур учрашувда «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолиятидаги мавжуд камчиликларга барҳам бериш, уларнинг ишини янада жонлантириш бўйича қўплаб таклифлар, жўяли мулоҳазалар ўртага ташланди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

МАҲАЛЛАДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ

Кеча Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги Баротхўжа номли маҳаллада меҳр-оқибат, эзгулик тимсоли — Наврўз тантаналари бўлиб ўтди.

— Биз учун бу йилги Наврўзнинг гашти бошқача, — деди ХДП бошланғич ташкилоти раиси Маҳкам Юнусов. — Чунки, кўриб турганингиздек, байрам янги, замонавий, муҳташам кошонада ўтаяпти. Бу мажмуа маҳалладошимиз Шоислом Шомирзаевнинг ташаббуси ва ҳомийлигида қуриб фойдаланишга топширилди. Энди тўй-маъракалар, байрамларимиз шу ерда бўлади. Бугунги шодиёнанинг асосий ҳомийси ҳам унинг ўзи.

— Маҳалла бизнинг уйимиз. Уни қанчалик обод қилсак, юртимиз ҳам чирой очиб бораверади, — дейди Ш.Шомирзаев. — Мамлакатни яшнатиш учун ҳар бир инсон бу хайрли ишни ўз уйи, маҳалласидан бошлаши керак, деб ўйлайман. Аслида ён-атрофингдагиларга фойданг тегмаса, бу ҳаётнинг мазмуни ҳам бўлмайди.

— Халқимизнинг барча қадриятлари, анъана, урф-одатлари маҳаллада сақланади, ривожланади, — дейди маҳалла оқсоқоли ЎзХДП фаоли Сайфиддин Рўзибоев. — Наврўзни халқимиз минг йиллардан буён байрам қилади. Шунинг учун, бу байрам қалбимизнинг тўридан мустаҳкам жой эгаллаган.

— Ушбу маҳаллада 2800 дан ортиқ фуқаро истиқомат қилади, — дейди ЎзХДП Миробод туман кенгаши раиси Раиса Кушева. — 20 нафарга яқин ташаббускор кишилар партиямиз аъзоларидир. Фаолларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллада партиямиз электорати вакиллари иштирокида кўплаб тадбирлар ўтказилади. Бугунги шодиёналарни ташкил этишда ҳам сафдошларимизнинг ҳиссалари катта.

(Ўз мухбиримиз)

Суратда: *бир гуруҳ маҳалла ва партия фаоллари.*

Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат

ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Президентимиз томонидан қўйилган вазифалар ва партиямиз Дастурий мақсадларининг ўзаро уйғунлиги зиммамизга катта масъулият юклайди, — деди мавзу юзасидан маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Улуғбек Вафоев. — Бу борадаги вазифаларимизни ва мафкуравий устуворликларимизни амалга оширишда, ҳаётга татбиқ этишда ягона позицияда туришимиз зарур. Тарғиботчилар электорат орасига киргандa бу масалани ҳар хил талқин қилишнинг олдини олиш ўта муҳим деб ҳисоблайман. Чунки, битта вазифага битта партия фаолларининг турлича ёндашуви сиёсий куч обрўсига путур етказади.

— «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида барча масалалар аниқ-тиниқ кўрсатилган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Боймурод Юсупов. — Қайси соҳага қанча маблағ ажратилиши, қандай тадбирлар ташкил этилиши, уларнинг муддатлари ва амалга ошириш учун масъул идоралар белгиланган. Биз-нинг вазифамиз эса Дастурнинг бажарилишида, ишларнинг сифати ва самарадорлиги устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишдир. Бу шак-шубҳасиз партиямиз электорати мнфаатларига хизмат қилади.

Шунингдек, сўзга чиққан бошқа иштирокчилар машғулот мавзусининг амалий жиҳатлари, Ўзбекистон ХДП мафкуравий принципларини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим йўналишларига эътибор қаратдилар. Республикамизда изчиллик билан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларни чуқурлаштиришни қўллаб-қувватлаш, Қонунчилик палатасидаги депутатлар орқали электорат манфаатларига жавоб берадиган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, такомиллаштириш борасида фикр билдирдилар.

Семинарда кўтарилган масалалар атрофида қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар бўлди. Уларда шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшанов, Учтепа туман кенгаши раиси Маҳмуд Ёқубов, Марказий Кенгаш экспертлари фалсафа фанлари доктори, профессор Нормурод Маматов, иқтисод фанлари доктори, профессор Руфат Раззоқов ва бошқалар ҳам фаол иштирок этдилар.

Ушбу мавзуга бағишланган семинарлар партиянинг Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ҳам бўлиб ўтади.

Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖ 2007 ЙИЛ — «Ижтимоий ҳимоя йили»

БАРЧА БУРЧЛИ ВА ДАХЛДОР

ЁКИ ПЕНСИОНЕР ВА НОГИРОНЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Мамлакатимиз Президенти кўп болалик ва кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз қариялар, шунингдек, ёрдамга муҳтож кишиларга алоҳида эътибор бериб, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида қатор фармонларга имзо чекмоқда. Ўз навбатида ҳукуматимиз улар асосида қарорлар қабул қилмоқда. Айни пайтда янги иш жойлари ташкил этиб, ишсизларни иш билан таъминлаш масалалари бўйича ҳам тобора катта ишлар қилинмоқда.

— Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, туманимизда 16 минг 682 нафар пенсия ва нафақа олувчи фуқаролар яшайди, — **дейди Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Бахтиёр Матёқубов.** — Шундан 10 минг 222 нафари ёшига доир, 3 минг 31 нафари ногиронлик пенсияси олувчилар, 1 минг 383 нафари боқувчисини йўқотган, 1 минг 801 нафари ижтимоий ва 212 нафари бошқа турдаги нафақа олувчилардир. Шунингдек, 33 нафар ЧАЭС ногиронлари ҳам бор. Пенсия ва нафақалар учун 6117228,8 минг сўм, компенсация тўловлари учун эса 101495,8 минг сўмлик маблағлар вақтида молиялаштирилди. Ижтимоий хизматчиларимиз рўйхатга олинган 29 нафар ёлғиз қариялларнинг уйларига бориб, бепул озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари билан муттасил таъминлаб турибдилар.

— Ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг ўзида 161 нафар ногиронга «Тахиатош», «Товоқсой», «Олтиариқ», «Косонсой», «Маржон суви» сиҳатгоҳларида дам олишлари учун бепул йўлланмалар берилди. 18 нафар пенсионер ва нафақахўр касаба уюшмаси тизимидаги сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклашди. Айни пайтда «Беруний пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти, «Агроқурилиш» ОҲЖ, Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси ҳомийликлари билан ҳам ўнлаб пенсионер, нафақахўр ҳамда ногиронлар марказий сиҳатгоҳларда дам олдилар, даволандилар. Эҳтиёжмандлар реабилитациянинг техник воситалари билан таъминланиб, уларга аравачалар, қўлтиқ таёқлар, протез-ортопедия маҳсулотлари етказиб берилди.

Маҳаллалардаги фаоллар ёрдамида уй-жойи носоз ва шароити оғир, ёрдамга муҳтож ёлғиз қариялар ҳамда ногиронлар етарлича кўмак олишди. Илтимосларига кўра, совутгичлар, телевизор сингари буюмлар ҳам берилди. Биргина янги йил арафасида уларга 491 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 1402 минг сўмлик саноат моллари, 80 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. 1800 та кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга ҳомийлик қилаётган ташкилотлар ҳамда корхоналар томонидан 12 миллион 760 минг сўмлик ҳажмда турли хил ёрдамлар берилди...

Бундай ибратли ишларни республиканинг энг шимолий ҳудуди — Мўйноқ туманида ҳам кўриш мумкин. 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бу ерда меҳнат бозори таҳлили шуни кўрсатдики, ишчи кучи таклифи 998 киши бўлгани ҳолда талаб 903 кишини ташкил қилди. Ўртадаги фарқ 95 киши, холос.

Туманда 2006-2007 йилларда аҳолини иш билан таъминлаш Дастурига кўра, 2006 йилда 326 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлса, амалда у 327 тага етди. Шундан 124 таси хотин-қизлар учун мўлжалланди. Масалан, «Мўйноқ ўрмон хўжалиги»да йил давомида 91 миллион сўм миқдорида чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳисобидан 35 та, «Қозоқдарё сув қурилиш» ва «Мўйноқ сув қурилиш» масъулияти чекланган жамиятларда (337,8 миллион сўм миқдорида давлат бюджети ҳисобидан) 28 янги иш ўринлари ташкил этилди.

— Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига янги иш ўринларини яратиш учун иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан 40 та иш ўрни ташкил этилиб, уларга 20 миллион сўм, тижорат банкларининг маблағлари эвазига 6,3 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди, — **дейди туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими мудири Ўразбой Мамбетлепесов.** — Бошқа янги иш ўринлари ҳам корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Ҳар бир яратилган иш ўрни учун ўртача 1690,5 минг сўмдан маблағ сарфланди.

2007 йилнинг 1 январь ҳолатига, уй меҳнати — касаначиликни ривожлантириш йўлида 176 та янги иш ўринлари ташкил этилди. «Амударё» масъулияти чекланган жамият ва «Шамс-Еркин» кичик корхонасида 65 нафар фуқаро балиқ маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича пудрат шартномаси асосида касаначи бўлишди. Умуман олганда, бу борада меҳнат дафтарчаси очиш ва юритиш тўғрисида аризаси олинган 905 нафар фуқародан 334 нафарининг илтимоси қондирилди. Кам таъминланган оилаларга ҳомийлар ҳисобидан 57 бош қорамол тарқатилди. Шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг ўтган дастлабки 2,5 ойи давомида ташкил этилган янги микрофирмаларда 12 нафар киши муқим иш жойлари билан банд этилди...

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳамма туманларида «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансублиги нуқтаи назаридан барча тоифадаги идора, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ўта муҳим бу масалага ўзларини бевосита дахлдор деб ҳис этмоқдалар. Бу эса жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-муҳаббат туйғуларининг ошишига ва ҳаётимизнинг янада фаровон бўлишига хизмат қилиши, шаксиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАМОҚДА

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Ўзбекистон Республикасида 2005-2006 йиллар давомида амалга оширилган молиявий-иқтисодий сиёсат натижаларини юқори баҳолади. Бу ҳақда «Праймс-Тасс» ахборот агентлигининг веб-сайтида эълон қилинган хабарда айтиб ўтилган.

ХВЖнинг февраль ойида якунланган Ўзбекистон иқтисодиётига бағишланган йиллик шарҳида ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 7 фоиздан ошгани, тўлов баланси катта профицит билан бажарилгани, олтин-валюта захиралари муттасил равишда ўсгани ва инфляция суръати пасайиб боргани таъкидланади. ХВЖ экспертларининг фикрича, Ўзбекистон бундай муваффақиятларга қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, транспорт ва коммуникация соҳаларидаги ўсиш, шунингдек, макроиқтисодий сиёсатнинг тўғри йўналтирилгани ҳамда юзага келган қулай ташқи иқтисодий шароит туфайли эришган.

Шарҳ натижаларини муҳокама қилар экан, ХВЖ директорлар кенгаши аъзолари Ўзбекистоннинг яқин келажакдаги иқтисодий истиқболлари ижобий бўлишини таъкидлади.

«Жаҳон» АА

МУРУВВАТ

Тинчлик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик халқимизнинг жон-жонига, қон-қонига сингиб кетганки, бундай эзгу фазилатлар мустақиллигимиз туфайли бунёдкор ғояларимиз илдизига қувват бахш этмоқда. Тўрақўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда худди ана шулар ҳақида сўз борди.

Унда туман партия кенгаши раиси Орифжон Охунов, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг вилоят бўлимлари раислари Олимжон Нуриддинов, Абдукарим Жалилов, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Олимжон Қамчибеков, «Давр» газетаси муҳаррири Абдуллажон Ғозиев ва бошқалар сўзга чиқиб, миллат тарбияси, сиёсий фаоллик, ҳуқуқий маданият ва огоҳлик каби бугунги куннинг долзарб мавзулари ҳақида фикр- мулоҳаза юритишди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, иқтисод фанлари доктори Шермирза Саидбоев, шунингдек, депутатлар Абдураҳим Жўрабоев, Муҳаммаджон Оппоқов, Носиржон Раҳимов, Тоҳиржон Ғаффоровлар томонидан коллежда таҳсил олаётган 10 нафар талабага ажратган мурувват ёрдами ҳам тадбир давомида ёшларга тақдим этилди.

Дарҳақиқат, ЎзХДПдан сайланган тўрақўрғонлик депутатларнинг партия туман кенгаши билан яқин ҳамкорликда фаолият юритаётгани, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси борасида амалга ошираётган ишлари ана шундай эътирофга лойиқ.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖ Мулоҳаза

ТАРМОҚ РИВОЖИ БОЗОРДА БИЛИНАДИ



ЁХУД БИР ТАЖРИБАДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР

Китоб шаҳридаги дўконлардан бирида дудланган «ставрида» балиғининг килоси 9 минг сўм. Албатта, ноёб балиқларга талаб катта, нархнаво ҳам шунга яраша. Бироқ туман марказий бозорида ҳам барча бирдек балиқ харид қила олмаяпти. Қовурилган бир кило балиқ нархи 4 минг сўмдан кам эмас. Бозорнинг балиқ растасида маҳсулот дам кўпайиб, дам камайиб туради.

— Буми, илон балиқ, — дейди сотувчи. — Килосини уч минг сўмдан бераман... Кичикроғининг нархини беш юз сўмга тушираман. Олинг, ширин балиқ.

— Буниси-чи?

— 3,5 минг...

— Ўҳ-ҳўў, қиммат-у?

— Молига яраша баҳо, ака. Бу — «судак», қилтаноғи йўқ. Ана униси, «оқ амур» икки ярим мингга келишаман. Пулингиз ўзингизда кетади...

— Булар айтган баҳосига сотишади, — дейди кексароқ харидор. — Уйдагиларга бир-икки кило балиқ олсамми девдим, нархини кўриб ўйланиб қолдим. Ундан кўра, мол гўшти олсаммикан? Лекин, балиқ ҳам еб туриш керак-да...

Харидорни ҳам, сотувчиларни ҳам тушунса бўлади. Бироқ нега воҳада балиқ камёб?

Бунинг сабаблари кўп. Аслини олганда, Қарши балиқчилик хўжалиги аҳоли эҳтиёжини илгари ҳам қондира олмаган. Ҳозир-ку асло..! Амударёдан Сирдарёдан ва Жиззах вилояти ҳудудидаги кўлларда етиштирилган балиқлар келтириб сотилмоқда. Агар мундоқ назар ташласак, етти хазинанинг бири — балиқчиликни ривожлантиришга воҳада анча уриниб кўрилган. Бир вақтлар Оқсув дарёсининг қорли тоғлар бағридаги ирмоқларига совуқ сувга кўниккан «хонбалиқ» увилдириқлари ташланганди. Бироқ, бу ноёб балиқ ҳозир у ирмоқларда учрамайди. Қашқадарё геология экспедициясининг ёрдамчи хўжалиги тасарруфидаги собиқ Шайманов номли ширкатга тегишли кўлларда ҳам балиқчиликни йўлга қўйишга ҳаракатлар бўлган. Қамашидаги Бобиртепа кўлига ҳам майда балиқ увилдириқлари ташлаб кўрилди. Ҳатто Ҳисорак сув омборида ҳам балиқ кўпайтиришга жазм қилинди. Санайверсангиз бундай жойлар воҳада ўнлаб топилади. Афсуски, бу уринишлар ўзини оқламади.

Кези келганда Нишон туманидаги «Қадимий Насаф» балиқчилик корхонаси тажрибаси ҳақида икки оғиз сўз: вилоят ҳокимлиги қарори билан Толлимаржон сув омбори ва Сечанкўл ҳавзасида балиқчилик учун сув майдони ажратиб берилди. Аммо, айни балиқ урчиётганда сув омборидан қишлоқ хўжалик экинларига сув олиниши сабабли ташланган балиқ уруғлари ё оқим билан чиқиб кетди ё сув сатҳи пасайганда нобуд бўлди. Корхона балиқчилари (раҳбари Рустам Қодиров) шароитдан келиб чиқиб, уларни сақлаб қолиш усулларини қидира бошлашди. Ниҳоят қамиш ва юлғундан ясалган кўлбола чамбараклардан фойдаланса бўлади, деган хулосага келишди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси таклифларни ўрганиб чиққач, илк бор воҳада мазкур тажрибани Толлимаржон сув омборида синашга рухсат беришди.

Балиқчилар баландлиги 1,5 метр, эни 3,5 метрдан кам бўлмаган 60 та юлғун ва қамишдан тўқилган «тўр»ларни тўғон қирғоқларига қозиқлар ёрдамида маҳкамлаб чиқишди. Сув сатҳининг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб туриши ҳам ҳисобга олинди. Натижа кутилгандан зиёда бўлди. Бундай сунъий «тўр»лар орасидан ўтаётган балиқлар уруғларини шу ерда қолдириб, аста-аста кўпайиб кетишди. Ҳозир балиқчилар уларни янада кўпайтириш йўлларини қидирмоқдалар.

Бу мулоҳазаларни бежиз айтмаяпмиз. Зеро, ҳукуматимизнинг паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш борасида қатор қарорлари ва кўрсатмалари бор. Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган 2006 йил якунлари ва 2007 йил вазифаларига бағишланган мажлисда ҳам Президентимиз бозорларимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам тўлдириб бориш, тадбиркорликни ривожлантириш вазифаларини қўйди. Қашқадарё вилоятидаги сунъий кўллар ва дарё ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш, маҳсулот таъминотини тубдан яхшилашнинг кўплаб имкониятлари бор. Гап уларни тўла ишга солишда қолаяпти...

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ДОБУСИЯ ДОВРУҒИ

ЁКИ САМАРҚАНД ВА БУХОРОНИ БОҒЛАГАН ШАҲАР

ЎзРФА Археология институти етакчи илмий ходими Амриддин БЕРДИМУРОДОВ билан суҳбат

— Домла, кейинги пайтларда Зарафшон водийсидаги кўҳна шаҳарлар, хусусан, Пахтачи тумани ҳудудида жойлашган Добусия қалъаси борасида турлича фикрлар билдирилмоқда. Айтингчи, ушбу қалъа ҳақида тарихий, илмий манбаларда қандай маълумотлар бор?

— Қадимда Добусия қалъаси Самарқанд билан Бухоронни боғлаб турган. У Буюк ипак йўлининг ўртасида жойлашган. Шу боис Добусия ҳар иккала шаҳарнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши табиий ҳол эди. Добусиянинг Сўғдиёна, қолаверса, Турон тарихида тутган ўрни юзасидан юнон, хитой, араб, турк ва форс тилларидаги бизгача етиб келган тарихий манбаларда маълумотлар учрайди. Уларда таъкидланишича, Зарафшон дарёсининг чап қирғоғидаги ушбу шаҳар уч қисмдан, яъни арк, шаҳристон ва работдан иборат бўлган. Арқда ҳукмдор, шаҳристонда шаҳарликлар ва савдогарлар, работда эса ҳунармандлар ҳамда лашкар яшаган. Добусия жуда қадимий шаҳар бўлганлигидан унинг маданий қатламлари қалинлиги 15-20 метргача етади.

Шимол томондан Зарафшон дарёси оқиб ўтганлиги учун шаҳристон ва аркнинг анча қисмини сув ювиб кетган. Албатта, Добусия ҳам Туроннинг барча қадимги шаҳарлари каби мустаҳкам мудофаа деворига эга бўлган. Пахса ва ғиштлардан бунёд қилинган девор қолдиқлари ҳозиргача яхши сақланган.

— Мазкур шаҳар нега шу вақтга қадар археологлар назаридан четда қолган?

— 1896 йили тарихчи Н.Ситниковский ёдгорлик харобалари билан танишгач, *«Добус қалъа ўз жойлашиши ва аҳамияти билан Бухоро амирлигининг энг йирик марказларидан бири бўлган»*, деб ёзган эди. Ундан сўнг тарихчи Кастанье бухоролик зиёли Қори Ғулом ҳамроҳлигида бу ерга келади ва маҳаллий аҳоли билан гаплашиб, кўпгина тарихий афсона-ривоятларни ёзиб олади. Шунингдек, у Қори Ғуломнинг ёрдамида мақбарадаги ва қабртошлардаги ёзувларни ўқиб, Добусия харобалари ҳақида муҳим маълумотлар ҳам тўплаган.

Ушбу тадқиқотчилар келган даврда мудофаа деворлари, дарвоза ва кўчаларнинг қолдиқлари яққол кўриниб турган. Минг афсуски, вақт ўтиши ҳамда ёдгорлик майдони ва атрофи турли мақсадларда ўзлаштирилиши туфайли тарихий манзарага анча зиён етган. XX асрнинг 40-йилларида археолог А.Якубовский бошлиқ экспедиция аъзолари бу ерда тадқиқотлар олиб борган,

топилган сопол буюмлар ва тангаларга асосланиб, улар бу ерда одамлар XVIII асрларгача яшаган, деган хулосага келдилар. Бундан ташқари, турли вақтларда Я.Ғуломов, В.Бартольд, В.Шишкин каби машҳур олимлар ҳам мазкур ёдгорлик билан танишганлар. Бундан ўн йилча илгари Археология институтининг олимлари «Олтин мерос» жамғармасининг Самарқанд вилоят бўлими билан ҳамкорликда Добусияда қазишма ўтказиб, шаҳарнинг кушонлар давригача бўлган маданий қатламларини очишди. Аммо маблағ йўқлиги туфайли тадқиқотлар тўхтаб қолди.

Добусиянинг археологик жиҳатдан ўрганилиши Сўғдиёна тарихида ҳали ойдинлашмаган кўпгина муаммоларни ечишга олиб келади. Масалан, милоддан олдинги 329 йили Искандар Зулқарнайн Ҳиндиқуш тоғидан ошиб, Сўғдиёнага бостириб келгани ва бу ердаги ҳарбий ҳаракатлар ҳақида юнон тарихчилари анча маълумотлар қолдиришган. Тарихчи Арриан-нинг ёзишича, юнонларга қарши мардонавор жанг қилган сўғд баҳодири Спитамен қаттиқ жанглардан сўнг Мароқанд (Самарқанд)нинг ғарбидаги «подшоҳ шаҳри»га чекинган. Бу маълумот ўша даврда ушбу ҳудудда Самарқанддан бошқа яна бир йирик шаҳар мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.



Дарҳақиқат, бугунги кунда олимлар ўртасида бу шаҳарнинг қаерда жойлашганлиги ҳақида турли қарашлар мавжуд. Арриан бу шаҳарни Самарқанднинг ғарбида жойлашган, деб ёзганига қарамай, айрим олимлар уни Самарқанднинг ғарбида, айримлар эса Қашқадарё воҳасида, деган тахминларни илгари суришмоқда. Баъзи тадқиқотчилар «подшоҳ шаҳри» Бухородир, деган фикрдалар. Аммо улар нима учундир тарихчи Наршахийнинг *«Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди»... Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Байканд эди. Шаҳар «қалъайи Добусий — Добусий қалъаси» бўлиб, шаҳар деб шуни айтар эдилар»* деган маълумотларга ёки IX-X асрларда яшаб ўтган араб тарихчиси Қудамийнинг Искандар Сўғдиёнага келганида бу ерда Добусия номли шаҳар бунёд қилдирди, деган маълумотларига унчалик эътибор бермаяптилар. Бизнингча, Арриан тилга олган «подшоҳ шаҳри» Добусия бўлиши керак. Чунки, Самарқанднинг ғарбида бундан бошқа қадимий ва йирик шаҳар йўқ.

— Сиз Добусияни Буюк ипак йўлининг устида жойлашган, деб айтиб ўтдингиз...

— Буюк ипак йўлининг Самарқанд билан Бухоронни боғловчи қисми тарихий манбаларда «шоҳ йўли» деб номланган. Бу йўл ёқасида Кумушкент, Иштихон, Кушония, Робинжон, Добусия ва Кармана каби шаҳарлар бўлган. Уларнинг ҳар бирида карвонсаройлар, бозорлар ва ҳунарманд устахоналари қурилган. Бундай устахоналар Добусияда ҳам мавжуд бўлган. Бу тўқувчилар яратган газламалар дунёнинг турли бозорларида жуда харидоргир бўлган. Добусиялик тўқимачилар пахтадан нафис газламалар тўқишни жуда яхши ўзлаштирганлар. Юмшоқроқ, пишиқ ва сарғиш ранг газламага дунё бозорларида талаб катта бўлган.

Тарихчи ал-Мақдисийнинг ёзишича, Боғдод султонлари бу матога юксак баҳо берганлар. Шунингдек, Добусияда жуда сифатли чарм маҳсулотлари, жундан қилинган кигизлар, заргарлик ва қулолчилик маҳсулотлари ҳам тайёрланганлиги ўша даврларга оид тарихий манбаларда қайд қилинган. «Подшоҳ шаҳри»да савдо-сотиқ яхши ривожланганлигини XX асрнинг 60-йилларида топилган X асрга мансуб катта миқдордаги олтин тангалар ҳам исботлаб турибди.

— Ҳозирги пайтда бу хароба устида меъморчилик обидаси қад ростлаб турибди. Шу ҳақда ҳам тўхталсангиз.

— Бу обидани ҳозирда кўплаб одамлар зиёрат қилишади. Тарихчи Кастанье мазкур мақбарага Муҳаммад пайғамбаримизнинг саҳобаларидан бири — Абу Хирра дафн этилган, деб ёзган. Ундан сўнг бу ерга келган тарихчи Л.Зимин эса мақбарага Имом Баҳра ота исмли авлиё дафн этилган, деб хулоса қилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу мақбара XVI асрда қадимги мақбаранинг ўрнида қурилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳар ҳолда бу ерда бирор табаррук зот дафн этилганлиги, қолаверса, Добусияда ислом динининг ривожига улкан ҳисса қўшган алломалар яшаганликлари аниқ. Дарвоқе, Самарқанддаги машҳур Чокардиза қабристонида ҳам Добусий тахаллусли алломалар дафн этилган. Кўҳна қалъанинг ўзидаги қабристонда ҳам ноёб қабртошлар сақланган ва улардаги ёзувлар кўп нарсаларни ойдинлаштиради.

— Президентимиз қарори билан Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги нишонланиши белгиланди. Айтингчи, воҳамизда ёши унга яқин шаҳарлар ҳам борми? Добусиянинг ёши ҳақида қандай фикрлар билдириляпти?

— Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Самарқанд шаҳри ўша даврдаги муҳитда деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқнинг ривожланиши туфайли ҳеч қандай ташқи таъсирсиз, маҳаллий заминда шаклланган шаҳарсозлик маданияти асосида пайдо бўлган. Ва ўз навбатида воҳа ҳамда атрофда бошқа шаҳарларнинг шаклланишига туртки берган. Бунга мисол тариқасида Пайариқ туманидаги Кўктепа, Қашқадарё вилоятидаги Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларини айтиш мумкин.

Добусиянинг пайдо бўлишида Самарқанднинг улкан ҳиссаси борлигига шубҳа йўқ. Тарихчи Наршахийнинг юқоридаги маълумотини инобатга олсак, бу шаҳарнинг ёши ҳам анча улуғ эканлиги ойдинлашади. Аниқ маълумотларни эса қалъанинг энг қадимий қатламлари ўрганилгандан сўнг айтиш мумкин.

— Добусий қалъасини археологик жиҳатдан ўрганиш бўйича режалар тузилаётган бўлса керак?

— Тўғрисини айтганда, Добусиядек ноёб ёдгорлик улкан тадқиқотларни талаб этади. Бу ёдгорлик билан француз ва италиялик археологлар анча қизиқиб қолишди. Аммо, қазиш ишларига келганда бунинг учун кўп вақт ва катта маблағ лозимлигини айтишди. Сўнгги марта ёдгорликка япониялик археологларни олиб борганимда, улар 2007 йилдан бошлаб институтимиз билан ҳамкорликда ишлашга розилик билдиришди. Насиб этса, Япониянинг Ипак йўлини ўрганиш бўйича Киото шаҳридаги миллий марказ профессори Уно Такао бошчилигидаги археологик гуруҳ олимларимиз билан ҳамкорликда бу ерда илмий тадқиқотларни бошлайдилар. Ўйлайманки, бу ҳамкорлик натижасида юртимиздаги яна бир қадимий ёдгорлик бағрида сақланиб келаётган кўп асрлик тарих тилсими очилади ва халқимизнинг маънавий мулкига айланади.

Фармон ТОШЕВ суҳбатлашди.



ҲАВО ЙЎЛАКЛАРИ ЁПИЛАДИ, АГАР...

Россиянинг федерал аэронавигация хизмати Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг 15 та авиакомпаниясини Россия осмонида қоида бузаётганликда айблади.

«Turist.ru» сайтидаги хабарда ёзилишича, яқинда «Росаэронавигация» бу ҳақда «Европа фуқаро авиацияси конференцияси»га хат жўнатди.

Қоидабузарлар орасида «British Airways», «Germanwings» ва «Iberia» сингари йирик авиакомпаниялар ҳам бор. «British Airways» авиакомпанияси самолёти чақмоқ ва момақалдироқдан қочиб, Россиянинг тақиқланган ҳудудига кириб кетган бўлса, «Iberia» самолёти диспетчер томонидан белгиланган 3.700 метр баландликка кўтарилиш ўрнига 2.700 метр баландликда парвоз этаверган. Натижада қаршисидан келаётган «Ту-154» самолёти билан тўқнашув содир этишига бир баҳя қолган. «Germanwings» самолёти ҳам шу каби қоида бузишларга йўл қўйган. Шунинг учун «Европа фуқаро авиацияси конференцияси»дан хатда қайд этилган 15 та авиакомпанияга нисбатан чора кўриш талаб қилинди, Улар 2006 йил 1 июлдан 2007 йил 17 февралгача 23 марта қоида бузган. Шундан 18 таси белгиланган баландликда парвоз этмай қоида бузган бўлса, 5 таси парвоз пайтида тақиқланган ҳудудга кириб кетган.

Агар бу хатоликлар яна қайтариладиган бўлса 15 та авиакомпанияга нисбатан Россия осмонида парвоз этиш тақиқланади.



Эслатиб ўтамиз: яқинда «Европа фуқаро авиацияси конференцияси» Россиянинг 9 та авиакомпанияси самолётларининг Европа Иттифоқи осмонида учишини тақиқлаган эди. Экспертлар Россия жорий этажак тақиқловни шунга жавобдир, дея баҳолашмоқда.

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИЛАР

Миср Конституциясига киритилган 34 та тузатиш юзасидан ўтказилган референдум натижалари эълон қилинди, дейилади «BBC News» ахборотида.

Референдумда иштирок этган аҳолининг 76 фоизи тузатишларни қўллаб-қувватлаб овоз берган. Мамлакат қонунчилигига кўра, референдумда қатнашувчилар миқдори белгиланмайди, қайси томон кўпчилик овоз олса, ўша масала юзасидан қарор чиқарилади ва референдум ўтган ҳисобланади.

Янги киритилган тузатишларга кўра, эндиликда мамлакатда диний асосдаги сиёсий партия ташкил этиш тақиқланади, сайловлар юзасидан назорат мустақил комиссия зиммасида бўлади, хавфсизлик органларининг ваколатлари кенгайтирилади.

Миср маъмурияти фикр билдиришича, ушбу конституциявий тузатишлар мамлакатда демократияни мустаҳкамлаш ва сиёсий тузумни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

ФОРС КЎРФАЗИ:

❖ Шарҳ

ЖАНГОВАР МАШҒУЛОТЛАР

КЎЛАМИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

Маълумки, яқинда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эронга нисбатан янги санкция қўллаганди. Мақсад Эроннинг ядро дастури бўйича олиб бораётган фаолиятини тўхтатиш. Ушбу резолюция БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 15 аъзоси томонидан якдил қўллаб-қувватланган бўлишига қарамай, Эрон маъмурияти мазкур санкцияни ноқонуний деб баҳолади ва ядро дастури бўйича олиб бораётган фаолиятини бир дақиқа бўлсада, тўхтатмаслигини билдирганди. «Негаки, ядро дастури доирасидаги ишларимиз фақат тинчлик мақсадларида олиб борилмоқда, у халқаро меъёрларга мосдир» деганди ўшанда Эрон президенти Маҳмуд Аҳмади Нежат қабул қилинган санкцияга ўз муносабатини билдириб. У ҳатто республика маъмурияти резолюцияни қўллаб-қувватлаган мамлакатлар билан ўзаро алоқалар даражасини қайта кўриб чиқишини таъкидлаганди. Бундан ташқари, Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) билан алоқани узишини уқтирганди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эроннинг ядро дастури билан шуғулланишни тўхтатмагунча, яъни бу МАГАТЭ доирасида кўриб чиқиладиган масала бўлгани учун уни МАГАТЭ зиммасига юкламагунча алоқа қайта тикланмаслигини баён этганди.

Бундай кескин фикрлар эса санкция ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишининг асосий ташаббускори бўлмиш АҚШ маъмуриятига ёқмаган ва ғазабини қўзғаган бўлиши табиий. Куни кеча Форс кўрфазида бошланган АҚШ қуролли кучларининг кенг кўламдаги ҳарбий машғулотларини айнан шу ғазабнинг натижаси дейиш мумкин.

Россия Федерацияси қуролли кучлари бош штабининг бош разведка бошқармасидан олинган манбаларга асосланиб, «Новости» ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, шу кунларда Форс кўрфазининг Эронга яқин ҳудудида (лекин бетараф ҳудуд) Америка қуролли кучларининг кучайтирилган жанговар фаолиятга киришганлигини кузатиш мумкин. Бош разведка бошқармаси маълумотида қайд этилишича, Пентагон Эронга зарба беришнинг энг мақбул йўлини изламоқда. Аслида АҚШ президенти Жорж Бушда Эронга уруш очиш ваколати йўқ эди. Лекин Россия геосиёсий фанлар академиясининг вице-президенти, генерал-полковник Леонид Ивашовнинг айтишича, АҚШ Конгресси қонунга киритилган ўз тузатишини шу ойда бекор қилган, яъни Жорж Бушнинг Конгресс рухсатисиз Эронга уруш очмаслик шарти бекор қилинди. Демак, президентга ваколат қайтариб берилди. Энди бу ёғи нима бўлади, буни вақт кўрсатади.

Ҳозирча шуни аниқ айтишимиз мумкинки, Форс кўрфазида йиғилган Американинг жанговар гуруҳи 2003 йили Ироққа уруш бошлаган пайтдаги сингари кенг кўлам касб этди.

«Associated Press» ахборот агентлиги тарқатган манбаларга қараганда, Форс кўрфазининг Эронга яқин қирғоқларида (бетараф ҳудудда) АҚШнинг жанговар зарба берувчи «Dwight D. Eisenhower» деб номланган авиабардори, юздан ортиқ ҳарбий самолёти, крейсер, эсминец ва ҳарбий кемалари жанговар машғулотлар ўтказишмоқда. Унда 10 мингдан ортиқ ҳарбий қатнашмоқда. Улар душманнинг ҳарбий кема ва сувости кемаларига зарба бериш машқларини намойиш этишмоқда. Араб денгизининг шимолида эса яна бир авиабардор — «USS Stennis» жанговар шай ҳолда турибди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Пентагон Эронга нисбатан ҳарбий операция бошлаши ёки бошламаслиги, унинг муддати ҳақида ҳозирча ҳеч нарса демаяпти. Лекин генерал-полковник Ивашовнинг айтишича, Пентагон Эронга қарши «Чақиб олиш» деб номланган ҳарбий режа ишлаб чиқаётгани аниқ.



Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, АҚШ қуролли кучларининг ушбу ҳарбий тактик машғулоти Эрон томонидан 15 нафар Британия денгизчилари қўлга олинганидан кейин бошланди. Эрон маъмурияти уларни жосус деб эълон қилиши мумкинлигига ишора этди. Бу эса назарий жиҳатдан уларга ўлим жазоси берилишини тақозо этиши мумкин. Бироқ Форс кўрфазидаги ҳарбий машғулот қўмондонининг гапларига қараганда, бу машғулотнинг юқоридаги воқеаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Яна шундай маълумотлар ҳам борки, АҚШ Эронга нисбатан қуруқликдаги жанговар операцияни қўлламайди, балки ҳаво ҳужумидан фойдаланиб, Эроннинг энг стратегик нуқталарига зарба бериши мумкин. Бу тахминни генерал-полковник Ивашов ҳам тасдиқламоқда.

Дарвоқе, Форс кўрфазида ҳозир Франция ҳарбий денгиз кучлари ҳам жанговар ҳарбий машғулотлар ўтказмоқда. Аммо Америка ва Франция машғулотларининг бир-бирига боғлиқлик жойи йўқ. Халқаро экспертларнинг Америка Эронга ҳужум бошлаш учун тажриба-синов тариқасида ҳарбий машғулотлар ўтказмоқда, деган фикрларини АҚШ маъмурияти қатъиян рад этмоқда. Умуман, дунё ҳамжамияти шундай бўлишини хоҳлайди, яъни урушни рад этади. Шундай экан АҚШ — Эрон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланиб қолди. Ўзбекистон аҳли ҳам бу муаммо тинч йўл билан ҳал этилишини хоҳлайди албатта.

Алимқул СУЛТОН

Хабарнома тартиб рақами — 09

MIKROKREDITBANK

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2007 йил 24 март куни (Тошкент шаҳри, А.Хўжаев кўчаси 1, Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси мажлислар залида) «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятининг 2006 йил якунларига бағишланган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Кворум — 93,2 фоиз.

Кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

«Микрокредитбанк» АТБ Кузатув кенгаши

ЗАО «QIZILQUM-SERG'AYRATKORLAR»

объявляет конкурс на замещение вакантных мест в службе внутреннего аудита:

- ведущий специалист;
- специалист.

Требования к кандидатам:

- высшее экономическое образование;
- наличие квалификационного сертификата аудитора;
- стаж практической работы в сфере аудита, финансового и налогового контроля не менее трех лет из последних десяти.

Наш адрес: г.Ташкент, ул.Садыкова, 25. Тел.: 135-75-07.

❖ Ибрат

БИР КАФТ ТУПРОҚ

ХДП ФАОЛИ ЧОРИ ЧЎТПЎЛАТОВНИНГ ҲАЛОЛ МЕҲНАТИ, ТАДБИРКОРЛИГИ РЎЗҒОР ОБОДЛИГИ ОИЛА ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Жарқўрғон туманининг «Меҳнат роҳати» маҳалласида Чори Чўтпўлатов деган боғбон бор. Боғбонмисан — боғбон... Мевали-манзарали дарахтлар, иссиқхонадаги ўсимлик, ҳовлидаги гул, томорқадаги экин-тикингача қачон экиш, қайси вақтда чилпиш, суғориш, ўғит бериш, йиғиб-териб олишгача янглишмай айтиб беради. Тинглаб турган сухбатдоши беихтиёр Ҳожи бобо дарахтлар билан гаплашса керак, деган ўйга бориши тайин... Йўқса, 20 сотихдан ортиқроқ жойдан ҳар йили 18-20 миллион сўм даромад олиш осонми.

— Гапнинг дангалини айтсам, — дейди боғбон салмоқланиб, — томорқамнинг қарийиб учдан бири боғ, озроқ иссиқхона, ўзига хос пальмазор. Йиллик даромад ўзгариб туради. 2000 йилдан буён 10 миллион сўмдан кам бўлгани йўқ. Ўтган мавсумда қарийб 14 миллион сўмча бўлди... «Ўҳ-хуў» деманг. Ҳалол ишлагандан кейин бўлади-да... 50′ туп анорим бор, ҳар йили 2 тоннагача мева беради. Саралари чойнакдек келади... Ҳосил етилганда авайлаб терамиз. Ҳатто пўстидаги чанглари билан. Шунда яхши сақланади. Қоғозга ўраб қутиларга соламан. Янги йил арафасида нархи ошади. Кўпчилик кузда сотади, мен қишда пуллайман... Ёнида 10 туп бодом бор. Учтўрт центнер мевасининг киилосини ўртача 5 минг сўмдан ҳисобланг 2 миллион сўмча даромад... Хурмо, шафтоли, ёнғоқ... фойданинг кони.

— Бобомизнинг иссиқхонаси ҳам унумли, — давом этади ҳамроҳим Ғулом Донаев. — Даромадини-ку билмайман, аммо дастурхони қишда ҳам ёздагидек — лимон, помидор, бодринг... Ҳатто кўкатгача бор.

Норбой ШОМУРОДОВ, Жарқўрғон тумани ҳокими:

— Чори ака қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, олим, боғбон, чорвадор, деҳқон, ишбилармон. Бир кафт тупроқдан беҳисоб бойлик яратаяпти. 2004 йилда у зайтун етиштиришга ҳам асос солди. Шу кишининг маслаҳати билан туманда 2 гектарча зайтун етиштираяпмиз. Яқинда вилоятимиз ҳокими ҳам келиб, аканинг ишлари билан танишиб кетди... «Ҳар бир оила шундай иш тутсайди...» — деб ҳавас қилдилар...

Қайнар ФАЙЗИЕВ, Жанубий Ўзбек тажриба станциясининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари:

— Зайтун — мевали ўсимлик. Ер юзида унинг 500 дан ортиқ тури мавжуд. У эрамиздан 4 минг йил аввал ҳам етиштирилган. Ундан 50-70 фоизгача ёғ олиш мумкин. Таркибида оқсил, қанд, калий, фосфор, темир моддалари бор. «В», «Е», «А» дармондорилари жигар, ошқозонни даволашда ижобий натижа беради. Шу билан бирга парфюмерия, тўқувчилик саноатида фойдаланилади.

Зайтунни қайта ишланган ва қуритилган ҳолда истеъмол қилиш лозим. Ушбу ноёб ўсимлик Ўрта ер денгизи, Кичик Осиё, Сурия, Испания, Италия, Греция, Франция ва Африка мамлакатларининг катта-катта майдонларида етиштирилади. XII-XV асрларда Қримда, XIX асрда эса Озарбайжонда ҳам ўстирила бошланган. Воҳамизга эса дастлаб 1934 йилда келтирилган. Ҳозир тажриба станциямизда ҳам ундан ҳосил олинаяпти. Ниҳоллари 3-4 ёшгача йилига 6 марта, кейинчалик 4 мартагача суғорилади. Совуққа чидамли. Сурхондарёда зайтунни кам шўрланган, қўнғир бўз тупроқларда экиш тавсия этилади...

— 1980-81 йилларда Афғонистонда хизмат сафарида бўлдим, — давом этади Чори аканинг ўзи. — Қайтишда 10-15 дона пальма уруғини олиб келдим. Аста-аста кўпайтирдим. 2000 йилда Арабистондан ҳам бир сиқим (тахминан 25-30 дона) уруғини келтирдим. Бугун 500 тача туп бўлди: «Трихакарпос», «Хамиропос», «Финик», «Вашингтон» навлари... Бурноғи йиллар муқаддас қадамжолар — Термиз ота, Зангиота, Имом ал-Бухорий зиёратгоҳларига ҳам обориб эдим...

— Даромад қанча?

— Йилига 7-8 миллион сўмдан каммас. Кўтарасига олишса, фойданинг чўғи... 500 та пальманинг ҳар бирини ўртача 70 минг сўмдан ҳисобланг. 35 миллион сўм накд...

— Буларнинг баъзилари сдам бўйидан ҳам баланд. Кўчириб ўтқазиш муаммо-ку!

— Ўтган йили «Вашингтон» навига Тошкентдан мижоз келди. Ўзиям йирикларидан тўрттасини танлади. Трактор ёрдамида авайлаб кавладик. 100-150 килоча тупроғи билан ўраб бердим. Машинага ортгач, 350 минг сўм санаб берди. Зар қадрини заргар билади-да...

✧✧✧

Заминимизнинг тупроғи тиллога тенг... Йилнинг тўрт фасли ҳам ноз-неъмат макони... Унга Чори Чўтпўлатовдек ишбилармон, тадбиркор... Бир кафт тупроқни бир кафт тилло қилаяпти у...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Рауф ИНИЛЕЕВ:

«ҲОЗИР ЛЕГИОНЕРЛАРНИ БЕЗОВТА ҚИЛИШНИНГ МАВРИДИ ЭМАС»

Шу кунларда футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёзда бўладиган навбатдаги Осиё чемпионатига галдаги тайёргарлик босқичини олиб бораяпти. Бу сафар футболчиларимиз йиғинни Хитой Тайпейи ва Макао давлатлари яшил майдонларида ўтказишмоқда. Жамоамиз сафарга жўнаб кетиш олдидан бош мураббий Рауф ИНИЛЕЕВ билан суҳбатлашдик.

— Рауф Талгатович, мазкур йиғиндан кўзланган мақсад ва вазифалар хусусида гапириб берсангиз.

— Маълумки, мамлакатимиз бош жамоаси ёзда катта мусобақага киришади. Йил бошидан номзодлар билан икки бор жиддий йиғин ўтказдик. Дастлаб 7 февраль куни Қаршида Озарбайжон терма жамоаси билан куч синашган бўлсак, сўнгра 7-11 март кунлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган ALMA-TV Кубоги халқаро турнирида қатнашдик. Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон миллий терма жамоалари билан фойдали учрашувларни ўтказдик. Ўйин амалиётини мукаммал шакллантириш, захирамизда бўлган бир қатор тажрибали ва ёш номзодларни кўздан кечириб олиш имкониятлари юзага келди. Бу галги ўқув-йиғинимиз Осиё чемпионати олдидан тайёргарлигимизнинг учинчи босқичи бўлиб хизмат қилади. Ихтиёримизга йиғирма нафар номзодни чақирдик. Режалаштирилган иккита ўртоқлик учрашувида барча футболчиларни майдонга тушириб кўрамиз. Шу ўринда ушбу йиғинимиз ўзгача тартибда ташкиллаштирилаётганлигини таъкидламоқчиман. Хабарингиз бор, терма жамоамиз асосини «Пахтакор» клуби футболчилари ташкил этишади. Олиб борилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, бир йил давомида пахтакорчилар мамлакат терма жамоалари, шунингдек, ўз клуби таркибида меъёридан ортиқ даражада ўйинларда иштирок этишар экан. Мана шу жиҳатларни эътиборга олиб, бу сафар Равшан Ҳайдаров шогирдларининг асосий қисмига дам бердик. Уларнинг ўрнига «Нефтчи», «Машъал», «Насаф», «Бухоро», «Қурувчи», «Самарқанд-Д», «Қизилқум» каби жамоалардан футболчиларни таклиф этдик.



— Учинчи босқич йиғинларида негадир Зейтуллаевдан ташқари етакчи легионерларимиз номлари кўринмаяпти. Бунга сабаб нима?

— Илёс ниҳоят ўз клубидаги муаммоларни ҳал қилди. Александр Гейнрих тақдирида эса айнан мана шу масала кўндаланг бўлиб турганди. Энди Фёдоров ва Шацкихга келсак, биз раҳбарият билан маслаҳатлашиб, атайин уларни безовта қилмадик. Чунки улар профессионал даражадаги футболчилардан Максим «Динамо» (Киев, Украина) таркибида асосий ҳужумчи сифатида ҳаракат қилиб, доимий равишда голлар муаллифига айланяпти. Андрей эса 35 ёшга кирганлигига қарамай, «Рубин» сафида 90 дақиқа давомида майдонда ўйин кўрсатяпти. Шу боис, уларни ортиқча синовларга жалб этиб, ёшлар ўрнини банд қилишимиз мантиқан тўғри бўлмасди. Кейин яна бир гап. ФИФА регламентига кўра, легионер футболчилар ўз миллий терма жамоалари таркибига йил давомида клублар томонидан беш марта қўйиб юборилади. Ишонган футболчиларимиз имтиёзини ҳозирданоқ йўққа чиқарсак, муҳим паллада нима қиламиз?!

— Олимпиячилар таркибида ҳам бир қатор истеъдодли футболчилар бор. Улардан фойдаланиш ҳам кўзда тутиляптими?

— Дарҳақиқат, Виталий Денисов, Марат Бикмаев, Нодир Қўзибоев ва яна кўпгина йигитлар ҳозирданоқ ўзларини нималарга қодир эканликларини Олимпиада саралаш босқичида кўрсатишмоқда. Бу биз учун қувончли ҳол. Аммо Вадим Абрамов жамоаси олдига ҳам юксак мақсадлар қўйилган. Шунинг учун улар айни дамда фақат захирамизда қолишга мажбур.

— Синов-назорат учрашувида рақиб жамоа сифатида айнан Хитой терма жамоаси танланишининг сабаби нимада? Ахир улар билан Осиё кубоги финал босқичида бир гуруҳдан жой олганмиз-ку?

— Тўғри, аммо хитойликлар билан келишувимиз қуръадан анча олдин рўй берганди. Сўз бериб қўйганлигимиз учун улар билан учрашмасак бўлмайди. Аммо хавотирга асло ўрин йўқ. Биз футболчиларимизга шундай кўрсатма берамизки, рақибларимиз ҳарчанд уринишмасин ўйин услубимизни тўлиқ ўргана олишмайди.

✧✧✧

Ҳамюртларимизнинг Хитой Тайпейи терма жамоаси билан кечган ўртоқлик учрашуви 1:0 ҳисоби билан якунланди. Хитой — Ўзбекистон терма жамоалари ўйинида эса 3:1 ҳисоби қайд этилди. Вакилларимиздан дастлабки учрашувда тўпни Ҳикмат Ҳошимов киритган бўлса, кейинги баҳсда Владимир Шишелов рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олди.

Кеча Жанубий Корея — Ўзбекистон олимпия терма жамоалари учрашувида мезбонлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Толибжон ҚОСИМОВ, Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашдилар.

ЧАВАНДОЗЛАР МАҲОРАТИ

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларимиздан ҳисобланган от спортига муносабат ҳам тубдан ўзгарди, — дейди Ўзбекистон от спорти федерацияси вице-президенти Камол Мирходжаев. — Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан ушбу спорт тури ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги боис юртимизда турли мусобақалар ўтказиляпти.

Хоразмда от спорти бўйича ўтган Ўзбекистон очиқ чемпионати ҳақиқий байрам тусини олди. Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан уюштирилган бу мусобақада республикамиз вилоятларидан келган етти жамоа ғолиблик учун курашди. Кўп кунлик пойга якунида «Хоразм — 1» жамоаси биринчи, қорақалпоғистонликлар иккинчи, «Хоразм — 2» жамоаси эса учинчи ўринларни эгаллашди. Шахсий биринчиликда боғотлик чавандоз Сайфиддин Қўшжонов ғолиб бўлди. Урганчлик Шоҳижаҳон Абилов ва қорақалпоғистонлик Равшан Дурдибоевга иккинчи-учинчи ўрин насиб этди. Пойга якунида ғолиблар муносиб тақдирланди.

Кўп кунлик бу пойга миллий спортимизнинг янада оммавийлашишига хизмат қилиши табиий.

Равшан ШОДИЕВ

❖ Тадбир



КИТОБ — МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Китоб инсониятни маърифатга чорловчи содиқ дўст, фикрлар уммонида моҳир ғаввосга айлантирувчи мукаммал қуролдир. Шу боис ҳам китоб кириб борган жойда ёвузликка йўл қолмайди, дунёдаги жамики эзгуликлар ундан руҳ, қувват олади. Яқинда пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамда шаҳарча Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Китоб — маънавият бешиги» кўргазмасида ҳам худди шу хусусда сўз борди.

Унда асосий фаолияти мумтоз, ҳозирги замон ва жаҳон адабиёти намуналари, болалар адабиёти, оммабоп ва санъатга оид турли китоб ва альбомлар, рисола, дарслик, буклет ва плакатлар чоп этишдан иборат бўлган нашриётнинг сўнгги йилларда босмадан чиқарган сара асарлари намойиш этилди. Кўргазмадан ўрин олган мумтоз адабиётимиз намуналари, бугунги шоир-адибларнинг қатор асарлари ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари кўпчиликнинг эътиборини тортди.

— Ўтган йили нашриётимизда чоп этилган Алишер Навоийнинг беш достондан иборат «Хамса»си Москвада бўлиб ўтган халқаро китоб санъати кўргазмасида ҳамдўстлик номинацияси бўйича биринчи ўринни олди, — дейди нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Лазиз Тангриев. — Шунингдек, Нафиса Содиқованинг «Ўзбек миллий кийимлари» фотоальбоми ҳам юқори баҳоланди. Бу каби асарларнинг чоп этилиши шубҳасиз ёшларимиз маънавиятини бойитишда муҳим роль ўйнайди.

— Кейинги вақтларда ёзувчи ва ўқувчи ўртасида бироз узилиш пайдо бўлгандай эди. Бундай кўргазмалар ташкил қилиниши ва унга ижодкорларнинг таклиф этилиши китобхонлар қизиқишини ошириш баробарида биз адибларга ҳам янгича масъулият юклайди, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчи Примқул Қодиров.

— Мазкур учрашув менда катта таассурот қолдирди, — дейди ЎзМУ талабаси Нозима Абдурахмонова. — Кўргазмага келиб бир қанча қизиқарли китобларни топдим, нархи ҳам дўконларга нисбатан анча арзон...

Дарҳақиқат, мазкур кўргазма кўнгилли ташкил қилингани боис барчага манзур бўлди. Унда, айниқса, нашриёт томонидан чоп этилган миллий адабиётимиз намуналари тақдимотининг ўтказилиши талабаларда китобга бўлган меҳрни янада оширди. Бир сўз билан айтганда, мазкур учрашув ёшлар ўртасида ижодий муҳитнинг юзага келишида муҳим аҳамият касб этди.

Жасур ҲУСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *кўргазмадан лавҳа.* **Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат**

❖ Жиноятга жазо муқаррар

СОЛИҚ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

УНДАН БЎЙИН ТОВЛАШ, АВВАЛО ҚОНУНБУЗАРЛИК, СЎНГРА МАДАНИЯТСИЗЛИКДИР

Талабаларнинг стипендияси, кексаларнинг пенсия пули ва бошқа турли ижтимоий нафақалар, ўқитувчи ҳамда шифокорлар ойлик маошларининг ўз вақтида бериб борилиши солиқ тўловчининг тўлов интизомига боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир жисмоний шахс ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқларнинг ўз вақтида тўланиши муҳим аҳамиятга эга. Лекин айрим тадбиркорлик субъектлари орасида солиқ мажбуриятларидан бўйин товлаш, тушумларни яшириш каби ҳолатлар, афсуски, учраб туради.

«Асадбек Навоий» масъулияти чекланган жамият раиси Аслиддин Аҳмедов қонунларни менсимайди чоғи .12 миллион сўм накд пул тушумини ўз вақтида банк муассасаларига топширмади. Натижада 3 миллион 800 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, бу жиноий иш ҳуқуқ-тартибот органларига ўтказилди. Худди шундай «Навоийтаъминот — 2003» кичик корхонаси раҳбари Насимжон Рўзиев ҳам солиқчилар кўзини шамғалат қилиб, 7 миллион 800 минг сўм накд пулни банк муассасасидан яширишга уринган. Бу ғайриқонуний хатти-ҳаракатга солиқчилар аралашгач, 18 миллион 200 минг сўмлик қўшимча солиқлар ҳисобланиб, хўжалик судига ўтказилди. Суд эса камомадни қоплаш мақсадида ундирувни корхона мол-мулкига қаратди.

«Байкал Амур Сервис» хусусий корхонаси директори Умид Султонов ҳам қонунни менсимай 135 миллион 200 минг сўмни банкдан яширишга уринган. Солиқдан бўйин товлаган бу шахс ҳам айни кезда қўзғатилган жиноий иш бўйича 139 миллион 500 минг сўм молиявий зарарни қоплаши керак.

— Ўтган йил, — дейди Қизилтепа туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Шавкат Раҳимов, — бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлардан қарзларини тўламаган 313 та корхона ва ташкилотга нисбатан вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилиб, 538 миллион сўмдан зиёд боқиманда қарзлар ундирилиши сўралди. Янги йилнинг ўтган 2 ойида ҳам қатор тадбиркорлик субъектларининг найранглари фош этилиб, иши ҳуқуқ-тартибот идораларига ўтказилди. «Барака — 2000», «Интел», «Ҳамкор файз плюс» сингари ишлаб чиқариш, савдо фирмаси, масъулияти чекланган жамиятлари шулар жумласидан.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчимизки, солиқ тўлаш, аввало, маданиятдир — қонунқоидага бўйсуниш маданияти. Қолаверса, ижтимоий соҳалар ривожига, ижтимоий ҳимоя масалаларига қўшган ҳисса, улуш ҳисобланади. Шундай экан бугунги кун солиқ тўлашда интизомли бўлишни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўлатўкис амалга ошиши ҳам бизнинг солиқ тўлашдаги маданиятимиз билан чамбарчас боғланган.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ томонидан 2006 йили якка тартибдаги тадбиркор «UMAROV UMIDJAN SHAKIRDJANOVICH» номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 22.15
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda